



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH DAVLAT QO'MITASI**

**TOSHKENT SHAHAR EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH BOSHQARMASI**

100043, Toshkent sh., Bunyodkor shox ko'chasi 7-uy. tel./faks: +998 (71) 277-75-43
veb-sahifa: <http://www.ecocity.uz>, elektron pochta: tash_city@uznature.uz

20~~20~~ yil "13" 11

04-1149 -son

Toshkent sh.

**«ARCA GROUP» МЧЖ раҳбари
И.Р. Сейфуллаевга**

Нусха:

**Тошкент шаҳар Экология
ва атроф мухитни муҳофаза
қилиш соҳасидаги назорат
инспекциясига**

DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI XULOSASI

2020 йил 10 ноябрдаги 10/11-сонли хатига

Объект: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси,
50-йида «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан касса аппаратларини
ийғиши цехини ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган «Атроф
муҳитга таъсири тўғрисида ариза» (АМТТА) лойиҳаси

Жараён:

AMTTA – III тоифа (47-банд)

Буюртмачи:

«ARCA GROUP» МЧЖ

СТИР ва

СТИР 306 812 314, Яшнобод тумани,

манзили:

Фарғона йўли кўчаси, 23/3-уй

Лойиҳачи:

«DEVELOP GROUP PROJECT» МЧЖ

СТИР ва

СТИР 307 210 113

манзили:

Алишерова Дилфузада Бахтияровна

Эксперт:

0007149

Давлат экологик экспертизасига, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 50-уйда «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан касса аппаратларини йиғиш цехини ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган атроф мухитга таъсирини баҳолашнинг биринчи босқичи «Атроф мухитга таъсири тўғрисида ариза» (АТТА) лойиҳаси кўриб чиқиш учун тақдим этилган.

Ушбу обьект бўйича тайёрланган «Атроф мухитга таъсири тўғрисида ариза» (АМТТА) лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сонли «Атроф-мухитга таъсирни баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 1-иловасига мувофиқ, мазкур фаолият тури атроф мухитга таъсир кўрсатиши юзасидан III – тоифасига (паст даражада хавфли) киради (47-банд. Электр асбоб-ускуналарини йиғиш ва таъмирлаш, металлга ишлов бериш корхоналари, шу жумладан цехлари).

Мазкур кўриб чиқиш учун тақдим қилинган «Атроф мухитга таъсири тўғрисида ариза» лойиҳаси «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан касса аппаратларини йиғиш цехини ташкил қилиш жараёнини атроф мухитга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш учун ишлаб чиқилган.

«ARCA GROUP» МЧЖнинг ишлаб чиқариш майдончаси ижара шартномаси асосида фуқаро Саматов Худойберди Баҳодир ўғлига тегишли бўлган мавжуд нотураг-жой биносида ташкил этиш режалаштирилган (*2020 йил 1 августдаги 15-сонли ижара шартномасига асосан*). Ижарага олинган худуднинг умумий ер майдони – 326 m² бўлиб, шундан, ишлаб чиқариш майдончаси – 300 m²,офис хонаси – 26 m²ни ташкил этади.

Объект жойлаштирилиши режалаштирилган худуднинг физик-географик, шунингдек, иқлим ҳолати хусусиятлари ҳақидаги маълумот Атроф мухитга таъсири тўғрисида ариза лойиҳасининг 1.1-бўлимида тўлиқ келтирилган. Лойиҳалаштирилаётган обьект жойлашган худудда, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига таъсир қиласиган асосий манбаларга автотранспорт воситалари, саноат ва энергетика обьектлари киради. Улардан атмосфера ҳавосига ноорганик чанг, углерод оксиди, азот оксиди, углеводородлар ва ёқилги ёниш маҳсулотлари ташламалари чиқарилади.

Лойиҳалаштирилаётган ишлаб чиқариш обьекти географик жойлашуви жиҳатидан координаталари 41°20'00,2" шимолий кенглик ва 69°19'04,3" шарқий узунликда жойлашган бўлиб, атрофи қўйидагича чегараланган: шимол томондан – «Uzsavdouskunaları» ИИЧ МЧЖ худуди билан; шарқ томондан – гофропласт ишлаб чиқарувчи корхона худуди билан; жануб ва ғарб томонлардан – турли ишлаб чиқариш корхоналари худуди билан чегарадош. Энг яқин аҳоли турар жой уйлари обьект чегарасининг шарқий томонидан 175 м масофа узоқликда жойлашган.

Кўриб чиқилаётган обьект яқин атрофида жойлашган очик сув ҳавзаси «Салар» канали бўлиб, у обьект чегарасига нисбатан 110 м масофа узоқликда ғарбий томондан оқиб ўтади. Гидрогеологик нуқтаи назардан, ер ости сувлари 10,0-12,0 м чуқурликда жойлашган. Лойиҳалаштирилаётган ишлаб чиқариш обьекти мавжуд бўлган бинода жойлаштирилаётганлиги сабабли, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири кузатилмайди.

Режалаштирилаётган ишлаб чиқариш биноси шаҳар муҳандислик-техник таъминоти тармоқларига (ичимлик суви таъминоти, канализация, электр энергия) уланган. Куз-қиши мавсумида обьект биноларини иситиш кўзда тутилмаган. Корхонани иссиқ сув билан таъминлаш «Ariston» русумли электр сув иситиш мосламаси ёрдамида амалга оширилиши режалаштирилган.

0009126

«ARCA GROUP» МЧЖнинг асосий иш фаолияти касса аппаратларини йиғишига қаратилган. Лойиҳалаштирилаётган объектнинг лойиҳавий номинал қуввати ўрта ҳисобда йилига – 60 000 дона/йил тайёр маҳсулотни ташкил этади.

Мўлжалланган ишлаб чиқариш ҳажмини амалга ошириш учун зарур бўлган асосий хом-ашё материалларининг йиллик сарфи: дисплей – 65 000 дона/йил; материнская плата – 65 000 дона/йилни ташкил қиласди. Касса аппаратларини йиғиш учун қўлланиладиган қисмлар Хитой давлатидан сотиб олиш режалаштирилган.

Ишлаб чиқариш обьектининг режалаштирилган иш тартиби – йилига 312 кундан иборат бўлиб, кунига 1 смена, 8 соатдан белгиланган. Корхонада фаолият юритадиган ходимларнинг умумий сони – 20 нафар кишидан иборат бўлиб, улардан, маъмурий-бошқарув ходимлар сони – 2 нафар кишини ташкил этади. Корхона ўз фаолиятини амалга ошириши учун қуйидаги бўлинмалардан иборат бўлади: ишлаб чиқариш майдончаси; омборхона; офис; санитар-маиший хоналар.

Касса аппаратларини йиғиш технологик жараёни «Атроф мухитга таъсири тўғрисида ариза» лойиҳасининг 10-11 бетларида тўлиқ келтирилган. Касса аппаратларини йиғиш, деталларни бир-бирига паяльниклар (3 дона) ёрдамида пайвандлаш орқали амалга оширилади. Паяльник билан ишлаш натижасида атмосфера ҳавосига қўрғошин ва қалай оксиди ташламалари ташланиши кузатилади (манба №1).

Лойиҳага кўра, корхонада атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ташламаларининг турғун манбалар сони 1 та бўлиб (ташкиллаштирилмаган), ундан атмосфера ҳавосига 2 турдаги ифлослантирувчи моддаларнинг умумий сони – 0,0375 tn/йил миқдорда ташланиши кузатилади, жумладан, қўрғошин (экологик ҳавфлилиги бўйича I синфга мансуб) – 0,0225 tn/йил (60 %) ва қалай оксиди (экологик ҳавфлилиги бўйича III синфга мансуб) – 0,015 tn/йил (40 %).

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар ташламаларининг ер усти ёйилиши концентрацияси корхона чегара худудида улар учун ўрнатилган меъёр (квота) даражасидан ошмаслиги аниқланди.

Корхонада хўжалик-ичимлик ва хўжалик-маиший эҳтиёжлар учун сув манбаси сифатида шаҳар сув таъминоти тармоғи қабул қилинган. Лойиҳада келтирилган маълумотларга кўра, хўжалик-ичимлик суви эҳтиёжлари учун корхона бўйича умумий йиллик сув сарфи – 0,637 m³ кунига, йилига эса – 177,228 m³/йилни ташкил қиласди. Ҳосил бўлган хўжалик-маиший оқова сувлар (162,558 m³/йил) тўғридан-тўғри шаҳар канализацияси қуурига ташланиши режалаштирилган.

Лойиҳалаштирилаётган обьект ўз иш фаолиятини амалга ошириш мобайнida 6 турдаги ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларининг пайдо бўлиши аниқланди: пластик чиқиндилар – 0,832tn/йил (IV синф), иккиламчи хом-ашё сифатида қайта ишлаш учун маҳсус корхоналарга топширилади; яроқсиз тозалаш латталари – 0,015 tn/йил (IV синф) ва ишчиларнинг эскирган маҳсус кийимлари – 0,0396 tn/йил (IV синф) иккиламчи хом-ашёни қайта ишлаш маҳсус корхоналарига топширилади; яроқсиз диодли ёритиш лампалари – 0,001 tn/йил (IV синф) ва қаттиқ маиший чиқиндилар – 1,0 tn/йил (IV синф) мунтазам равишда туман санитар тозалаш ва назорат қилиш бўйича маҳсус давлат органи томонидан шартнома асосида чиқинди полигонига жойлаштирилади; қофоз чиқиндиси – 0,0168 tn/йил (V синф), иккиламчи хом-ашёни қайта ишлаш маҳсус корхоналарига топширилади.

0009127

Экологик лойиҳалаштиришнинг кейинги босқичида, АТТА лойиҳасида инобатга олинмаган чиқиндиларни (озиқ-овқат чиқиндиси, корхона ҳудудини тозалашдан ҳосил бўладиган супринди ахлат в.б.) ҳисобга олиш, уларни тўплаш, вақтинча сақлаш жойларини ташкил қилиш, қайта ишлаш ёки утилизация қилиш усулларини тўлиқ кўрсатиш шарт. Шу билан бирга, корхона ҳудудида чиқиндиларни вақтинча сақлаш жойлари ва атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқариш манбалари жойлашуви акс этган хариталарни тақдим этиш керак бўлади.

Лойиҳа ҳужжатида атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган чора-тадбирлар, ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган аварияли ҳолатлар, ёнгин хавфсизлиги ва уларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Давлат экологик экспертизасининг таҳлилий натижаларига кўра, кўриб чиқиш учун тақдим қилинган «Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза» (АТТА) лойиҳа ҳужжатлари амалдаги Ўзбекистон Республикаси «Экологик экспертизаси тўғрисида»ги қонуни, Низом ҳамда қонуности экологик меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилганини аниқланди. Тошкент шаҳар давлат экологик экспертизаси, «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан, атмосферга ташланадиган заарли моддаларнинг белгиланган меъёрдан (квота) ошмаслигини, очиқ сув ҳавзаларига оқова сувларни ташланмаслигини, танланган ер майдонида ҳудуддаги мавжуд экологик ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келмаслигини инобатга олиб, ушбу ҳудудда касса аппаратларини йиғиши цехини ташкил қилинишига экологик нуқтаи назардан эътиroz билдиrmайди.

Тошкент шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофaza қилиш бошқармасининг Давлат экологик экспертизаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 50-йда «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан касса аппаратларини йиғиши цехини ташкил қилиш учун ишлаб чиқилган атроф муҳитга таъсирини баҳолашнинг биринчи босқичи «Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза» (АТТА) лойиҳасини мазкур хulosада келтирилган талабларни бажариш шарти билан маъқуллайди.

- «ARCA GROUP» МЧЖ раҳбарияти қуйидагиларни таъминлаши лозим:**
- корхонада аниқлаштирилган чиқиндилар ва ифлослантирувчи моддалар ташламалари миқдори номенклатурасини ҳисобга олган ҳолда, атроф муҳитга таъсири кўрсатишнинг якунловчи босқичи «Экологик оқибатлар тўғрисида ариза» (ЭОТА) лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасига тақдим этиш;
 - бинони ва ҳудудни ёритиш учун таркибида симоб моддаси бўлган энергия тежовчи ёритгичлар ишлатилиши кўзда тутилса, фойдаланишдан чиқсан яроқсизларини белгиланган жойда маҳсус кутида сақланиши таъминлансин ва уларни заарсизлантириш (демеркуризация) учун маҳсус ихтисослашган корхоналарга топширилсин;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 йилдаги 787-сонли «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги низомга мувофиқ тасдиқланган «Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси обьектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари»га асосан ишларни ташкил этиш;

0009128

- миший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун маҳсус пунктларни ташкил этиш (стандарт бўйича), уларни хили бўйича алоҳида идишларда йиғилишини таъминлаш ва уларни олиб чиқиш бўйича ихтисослашган санитария компаниялари билан шартнома тузиш;
- атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларининг ҳисоб-китоблари ҳар йили 15 январгача ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январига қадар тўловни амалга ошириши лозим (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябр «Табиатни муҳофаза қилишини таъминлашнинг иқтисодий механизмларини янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сонли қарорига асосан).

Хулосада кўрсатилган шартлар бажарилмагандан ва юкорида кўрсатилган фаолиятдан ташқари бошқа қўшимча фаолият турлари ташкил этилганда, ташламалар ва чиқиндилар миқдори ўзгарган тақдирда, ушбу экологик экспертиза хулосаси ўз кучини йўқотади.

Ушбу давлат экологик экспертизаси хулосасида кўзда тутилмаган фаолият турлари билан шуғилланиш, янги қурилиш, қайта тиклаш, кенгайтириш ишларини амалга оширилиши ва бошқа фаолият туридан фойдаланиш кўзланган тақдирда «Атроф муҳитга таъсири тўғрисида ариза» (АТТА) лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Тошкент шаҳар Давлат экологик экспертизаси маркази ДУКга тақдим қилиниши ҳамда тегишли хулоса олиниши шарт.

Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси инспекцияси «ARCA GROUP» МЧЖ томонидан экологик қонунлари ва меъёрларига риоя этилишини ва табиатдан фойдаланганлик учун белгиланган тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан мунтазам назорат ҳамда объектни ишга туширишдан олдин ЭОТА лойиҳасини ишлаб чиқилишини назоратга олиши керак бўлади.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари

Ф. Дехқонов



Киритди:

«Тошшаҳдавэкоэкспертиза маркази» ДУК директори в.в.б.

Р.Н. Камалбеков

Ижрочи масъул эксперт:

Д.Б. Алишерова

0009129